

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**“Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик ”  
факультети**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**ТУРКИЯНИНГ ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ ВА УНДАН  
КЕЙИНГИ ДАВРДА МАКРОИҚТИСОДИЙ  
РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Бажарди:** “Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (Туркия иқтисодиёти)” таълим йўналиши битирувчи курс талабаси Абдурахмонова Парвина Махмудовна \_\_\_\_\_

**Илмий раҳбар:** и.ф.н. Бабаханов Д.Ш. \_\_\_\_\_

**Тошкент – 2012**

## **МУНДАРИЖА**

|                   |            |
|-------------------|------------|
| <b>КИРИШ.....</b> | <b>3-7</b> |
|-------------------|------------|

|                                                                                                          |             |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------|
| <b>1-БОБ.           МАКРОИҚТИСОДИЙ            БАРҚАРОРЛИКНИ<br/>ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....</b> | <b>8-23</b> |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------|

|                                                                                                                           |       |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------|
| 1.1. Макроиқтисодий барқарорлик ва уни таъминлаш йўллари.....                                                             | 8-13  |
| 1.2.   Миллий   иқтисодиётни   модернизациялаш   шароитида<br>Ўзбекистоннинг макроиқтисодий ривожланиш тенденциялари..... | 13-23 |

|                                                                                                                        |              |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------|
| <b>2-БОБ. ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ ВА ИНҚИРОЗДАН КЕЙИНГИ<br/>ДАВРДА ТУРКИЯ МАКРОИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ<br/>ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ.....</b> | <b>24-39</b> |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------|

|                                                                                                             |       |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------|
| 2.1. Глобал инқирознинг Туркия макроиқтисодий ривожланишига<br>таъсири.....                                 | 24-32 |
| 2.2. Бевосита хорижий инвестициялар макроиқтисодий барқарорликни<br>таъминлашнинг муҳим омили сифатида..... | 32-39 |

|                    |              |
|--------------------|--------------|
| <b>ХУЛОСА.....</b> | <b>40-45</b> |
|--------------------|--------------|

|                                              |              |
|----------------------------------------------|--------------|
| <b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b> | <b>56-53</b> |
|----------------------------------------------|--------------|

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Макроиктисодий сиёсатнинг бош масалалари - иқтисодий ўсиш суръатини ошириш, унинг таркибини яхшилаш, миллий иқтисодиётни барқарор ривожланиш соҳасида эришган натижаларини мустаҳкамлаш кабилардан иборат. Иқтисодиёт фанига асос солингандан бошлаб, том маънода иқтисодий пасайишни олдини олиш ва барқарор иқтисодий ўсишни ўрганиш асосий муаммога айланган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар тизимида миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнлари алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатбардошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда, иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгिलाш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин”<sup>1</sup>.

Бу жараёнларда макроиктисодий барвдорликни таъминлаш алоҳида ўринга эга. Шу нуқтаи назардан макроиктисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича сезиларли муваффақиятларга эришган мамлакатлар, хусусан, Туркия тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш асосида ундан Ўзбекистонда фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб

---

<sup>1</sup>Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. //Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь

чиқиш модернизация жараёнлари изчиллик билан амалга оширилаётган бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлаш, миллий маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозордаги рақобатбардошлигини ошириш Р.Алимов, А.Қодиров, О.Х.Хикматов, А.В.Вахобов, Н.Т.Тухлиев, К.У.Ульджабаев, М.Икромов, Ғ.Қосимов, Ғ.Саматов, Б.Кальметов каби иқтисодчи-олимлар изланишлар олиб борганлар.

Юқорида номлари келтирилган олимларнинг мазкур соҳа ривожланишига қўшган ҳиссасини эътироф этган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, Туркияда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашнинг ўзига хос жиҳатлари, бу мамлакатда иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш, шунингдек, Туркия тажрибасидан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари ва истиқболлари масалалари мамлакатимиз иқтисодий адабиётида етарли даражада ўрганилмаган.

Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ва узоқ мқддатли иқтисодий ўсишни таъминлашнинг зарурияти ушбу тадқиқот мавзусининг танланишига асос бўлди.

**Битирув малакавий ишининг асосий мақсади** жаҳон иқтисодий алоқаларининг глобаллашуви шароитида Туркия макроиқтисодий ривожланишининг ўзига хос жиҳатларини очиб беришдан иборат.

**Битирув малакавий ишининг вазифалари.** Қайд этилган мақсадга эришиш учун ишда қуйидаги вазифалар қўйилган:

- турли иқтисодий қарашлар ва услубий ёндошувларни ўрганиш ва умумлаштириш асосида макроиқтисодий барқарорлик тушунчасининг моҳиятини очиб бериш ва уни таъминлаш йўллари асослаш;
- миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистоннинг макроиқтисодий ривожланиш тенденцияларини аниқлаш;

- глобал инқирознинг Туркия макроиқтисодий ривожланишига таъсирига баҳо бериш ва инқироздан кейинги даврда Туркия макроиқтисодий ривожланиши хусусиятларини очиб бериш;

- бевосита хорижий инвестициялар макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги ролини асослаш.

**Битирув малакавий ишининг объекти** этиб Туркиянинг макроиқтисодий сиёсати танлаб олинди.

**Битирув малакавий ишининг предмети** бўлиб макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш усуллари ва механизми ҳисобланади.

**Битирув малакавийнинг назарий-услубий асоси** бўлиб ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини шакллантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарларида илгари сурилган ғоялар, йирик иқтисодчи-олимлар томонидан яратилган илмий концепциялар хизмат қилди. Шунингдек, тадқиқот давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлардан кенг фойдаланилди.

Битирув малакавий ишини ёзиш жараёнида меъёрий, таққослаш, гуруҳлаш, ҳисоб-конструктив ва бошқа усуллар қўлланилди.

Битирув малакавий ишининг ахборот базаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги маълумотларидан, Жаҳон банки, Халқаро Валюта Фонди ва БМТнинг йиллик ҳисоботларидан, Туркия статистика органлари маълумотларидан фойдаланилди.

**Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

- турли иқтисодий қарашлар ва услубий ёндошувларни ўрганиш ва умумлаштириш асосида макроиқтисодий барқарорлик тушунчасининг моҳияти очиб берилган ва уни таъминлаш йўллари асосланган;

- миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистоннинг макроиқтисодий ривожланиш тенденциялари аниқланган;

- глобал инқирознинг Туркия макроиқтисодий ривожланишига таъсири баҳоланган ва инқироздан кейинги даврда Туркия макороиқтисодий ривожланиши хусусиятлари очиб берилган;

- бевосита хорижий инвестициялар макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги роли асосланган.

**Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти.** Битирув малакавий иши материалларидан Ўзбекистонда макроиқтисодий барварорликни таъминлашга оид янги лойиҳалар ва дастурлар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, олий ўқув юртларида махсус курслари учун ўқув жараёнида ва маъруза матнлари тайёрлашда фойдаланилиши мумкин.

**Битирув малакавий ишининг таркибий тузилиши.** Битирув малакавий иши кириш, икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ишнинг кириш қисмида анъанавий тарзда тадқиқ этилаётган мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, янгилиги ва амалий аҳамияти ёритиб берилган.

Битирув малакавий ишининг биринчи бобида турли иқтисодий қарашлар ва услубий ёндошувларни ўрганиш ва умумлаштириш асосида макроиқтисодий барқарорлик тушунчасининг моҳияти очиб берилган ва уни таъминлаш йўллари асосланган, миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистоннинг макроиқтисодий ривожланиш тенденциялари аниқланган.

Ишнинг иккинчи бобида глобал инқирознинг Туркия макроиқтисодий ривожланишига таъсири баҳоланган ва инқироздан кейинги даврда Туркия

макороиқтисодий ривожланиши хусусиятлари очиб берилган, бевосита хорижий инвестициялар макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги роли асосланган.

Битирув малакавий ишининг хулоса қисмида илмий асосланган тавсия, таклиф ва хулосалар умумлаштирилган.

# **1-БОБ. МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

## **1.1. Макроиқтисодий барқарорлик ва уни таъминлаш йўллари**

Макроиқтисодий барқарорликка эришиш иқтисодий ўсишнинг, иқтисодий инқирозни бартараф этишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Одатда макроиқтисодий барқарорлик деганда иқтисодий инқирозга барҳам бериш, иқтисодий тараққиётни ифодаловчи кўрсаткичларни муайян даражада сақлаб туриш ва иқтисодиётни соғломлаштириш тушунилади.

Макроиқтисодий барқарорликка қандай қилиб эришилади? Иқтисодий адабиётларда макроиқтисодий барқарорликка эришиш бўйича икки хил назарий ёндашув шаклланган: янги классик ва кейнсча.

Янги классиклар бозор иқтисодиётининг ўзи макроиқтисодий барқарорликни таъминлайди ва унга давлатнинг аралашуви шарт эмас, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, меҳнат бозори, нарх ва жами харажатларнинг давлат томонидан тартибга солиниши макроиқтисодий барқарорликка зарар етказди.

Кейнсчилар эса макроиқтисодий барқарорликка фақат бозор механизми орқали эришиш мумкинлигини рад этадилар.

Кейнсчилар макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш учун ички нархларни муайян чегарада ушлаб туриш, миллий валюта қадрини мустаҳкамлашга қаратилган пул-кредит ва молия сиёсати тадбирларини амалга ошириш, ишлаб чиқаришни ўстириш ва бандликни таъминлаш учун қулай макроиқтисодий муҳитни барпо этиш лозим деб ҳисоблайдилар.

Қандай бўлганда ҳам ҳар бир мамлакат учун макроиқтисодий барқарорлик зарур. Макроиқтисодий барқарорлик инқироздан ривожланиш орқали чиқишни билдирган, келгусида иқтисодий ўсиш ва юксалиш учун муҳим босқич ҳисобланади. Бу мақсадга эришиш учун аввало, ЯИМ ишлаб чиқаришнинг пасайиши тўхтатилади. Кейинчалик ЯИМ ва ялпи саноат

маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми бўйича барқарор ўсиш таъминланади. Агар ЯИМ ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш сурътлари аҳоли сони ўсиш суръатларидан устун бўлишига эришилса, янада яхши бўлади. Ижтимоий ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши иқтисодиётда банд бўлганлар сонининг ошиши, инфляциянинг паст даражаси, ЯИМ ҳажмида жамғариш ва инвестиция улушининг ўсиши ва бошқа сифат кўрсаткичлар билан бирга кечиши лозим.

Макроиктисодий барқарорликка эришиш, айниқса, мустақил миллий иқтисодиёт қуриш ва бозор муносабатларига ўтиш ҳамда улар билан боғлиқ равишда юзага келадиган тангликдан чиқиб кетиш жараёнида осон эмас. Давлатнинг макроиктисодий барқарорлаштириш тадбирлари айрим ҳолларда бозор муносабатлари доирасини торайтириб қўйиши мумкин. Пул массасининг қатъий чекланиши кичик бизнес ривожига салбий таъсир кўрсатади, корхоналар тўлов қобилиятининг пасайиб кетишига олиб келади. Аммо бундай ҳолатлар одатда узоқ давом этмайди.

Миллий иқтисодий тизим компонентларининг тузилиши соҳалар, тармоқлар, ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил этса, улар ўртасидаги муносабат, уларнинг ўзаро таъсири миллий иқтисодиёт таркибини ифодалайди. Таркибий нисбатлар пропорцияларни ташкил этади. Тараққиёт давомида мазкур пропорцияларни оқилона даражада сақлаб туриш миллий иқтисодиётнинг муҳим таркиб ҳосил қилувчи омили ҳисобланади. Иқтисодий тизим компонентлари ривожланишида мутаносибликка амал қилиш ушбу тизимнинг бир бутунлигини, яхлитлигини таъминлайди. Мутаносиблик – ҳар қандай тизим (техник, иқтисодий, ижтимоий) ривожланишининг қонуни ҳисобланади.

Миллий иқтисодиётнинг макротаркиби ўз ичига қуйи тизимлар, компонентлар мажмуасини олади. Бу қуйи тизимлар кўп йиллик хўжалик амалиёти давомида турли таснифий белгилар асосида таркибий тузилмаларга интеграциялашадилар. Бундай таснифий белгилар жумласига: секторли,

такрор ишлаб чиқариш, турмоқ, институционал, ижтимоий ва бошқалар киради.

Миллий ҳисоблар тизими амалиётига кўра, иқтисодиёт тармоқларини учта сектор бўйича таҳлил қилиш лозим:

- бирламчи (бу секторда табиий ресурсларни ишлаб чиқариш, казиб олиш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ тармоқлар киради);
- иккиламчи (саноатнинг қайта ишловчи тармоқлари киради);
- учламчи (транспорт хизматлари, коммунал хўжалик, қурилиш, савдо, мадофаа, давлат бошқаруви ва бошқалар).

Илмий адабиётларда ва хорижий амалиётда иқтисодиётнинг реал сектори ва пул (молия) сектори тушунчаларидан фойдаланилади. Иқтисодиётнинг реал сектори ялпи ички маҳсулот ҳажми билан аниқланса, пул сектори ички товар алмашинуви учун зарур бўлган пул миқдори билан аниқланади. Бу секторлар субъектлар ва пул оқимлари ўртасидаги барқарор боғлиқликни ифодалаб, биргаликда даромадлар ва харажатларнинг доиравий айланишини ўзида акс эттиради.

Миллий иқтисодиёт таркибини ўрганишда унинг такрор ишлаб чиқариш, тармоқ, технологик, минтақавий, институционал, ижтимоий таркибини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодиётнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби макродаражада ялпи ички маҳсулот такрор ишлаб чиқариш босқичлари ўртасидаги ўзаро нисбатларни таҳлил қилиш учун илмий муомалага киритилган бўлиб, унинг таркибий қисмлари ўзгаришларининг йўналишларини ўзида акс эттиради. Бу ўзгаришлар жамиятнинг ижтимоий йўналганлик даражаси тўғрисида, ишлаб чиқаришнинг ортиқча ресурс сиғимлигига барҳам бериш, истеъмол ва жамғариш динамикаси ва шунга мувофиқ равишда миллий иқтисодиётни янгилашнинг инвестиция имкониятлари ва экспортга йўналганлик даражаси ҳақида тасаввур беради.

Иқтисодиётнинг тармоқ таркиби тармоқлараро нисбатлар динамикаси, устувор тармоқларнинг самарадорлик нуқтаи назаридан ўсиши, ижтимоий

йўналганлиги, илмталаблиги, ресурсларни тежаш, аҳолининг экологик ҳимояланганлигини кузатиш имконини беради.

Иқтисодиётнинг технологик таркиби ушбу устувор йўналишларни анъанавий ва энг янги технологиялар ўртасидаги ўзаро нисбат динамикаси тўғрисидаги, илмталаб юқори технологияларнинг иқтисодиётга жорий этилиш ҳажми тўғрисидаги маълумотлар билан аниқлаштиради, тўлдиради.

Миллий иқтисодиётнинг минтакавий (ҳудудий) таркиби ишлаб чиқаришни, айниқса, ижтимоий инфратузилмани жойлаштириш ва комплекс ривожлантиришда муҳим пропорцияларни ўзида акс эттиради.

Иституционал таркиб ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш шакллари, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ҳатти-ҳаракатининг маданий-кадриятлар меъёрлари ва стереотипларини тавсифлайди.

Иқтисодиётнинг ижтимоий таркиби муҳим иқтисодий белгилар (мулк, даромадлар, малака ва бошқалар) бўйича гуруҳлаштирилган ижтимоий гуруҳлар тўпламини, шунингдек, уларнинг нисбий динамикасини ўзида акс эттиради.

Юқорида келтирилган барча иқтисодий таркиб турлари иқтисодиётнинг бир бутунлигини шакллантиради, унинг унсурларининг ўзаро таъсирини ифодалайди. Бу унсурлар ўз характериға кўра табиий, технологик, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, психологик, социо-маданий, тарихий, конфессионал бўлади.

Иқтисодий тизимнинг таркибий элементлари унинг фаолият кўрсатиши ва ривожланиши жараёнида зарурий пропорцияларни сақлаб туради. Оқилоналик (оптималлик) мезонлари бўйича макроиқтисодий пропорцияларға баҳо бериш мамлакат иқтисодий фаолиятининг самарадорлиги ва иқтисодиёт таркибида юз бераётган ўзгаришлар йўналишлари тўғрисида мулоҳаза юритиш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, асосий макроиқтисодий пропорциялар миллий даражада шаклланади. Улар ялпи ички маҳсулот ва унинг унсурлари: пировард истеъмолға сарфланган харажатлар, ялпи жамғариш ва ташқи савдо

сальдоси ҳаракатини тавсифлайди. Агар такрор ишлаб чиқариш нисбатлари пировард истеъмол фойдасига ўзгарса, у ҳолда асосий капиталга, уни янгилашга киритиладиган инвестициялар ҳажми камаяди. Бу ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг технологик базаси ривожланишининг пасайишига, истиқболда эса ишлаб чиқариш салоҳиятининг пасайишига олиб келади. Бунинг оқибатида пировард истеъмол ҳажми қисқаради.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнининг мўътадил ҳаракати, экспорт ва импортга мўлжалланган тармоқлар ривожланиши динамикаси экспорт ва импорт ўртасидаги нисбатга, уларнинг ҳажми ва таркибига боғлиқ. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда миллий иқтисодиёт ривожланишининг устувор йўналишларидан бири экспортга йўналганлик бўлиши лозим.

Миллий иқтисодиёт, иқтисодий сиёсат учун ишлаб чиқариш таркиби ва истеъмол таркиби ўртасидаги, шунингдек, ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги пропорциялар муҳим аҳамият касб этади. Ишлаб чиқариш ҳажмида ишлаб чиқариш воситаларининг устун ўринга эга бўлиши натижасида вужудга келадиган номутаносиблик, собиқ Иттифок тажрибаси кўрсатганидек, аҳоли турмуш даражасининг пасайишига олиб келади. Юқори технологияли тармоқларга нисбатан прогрессив пропорцияларга амал қилиш лозим, чунки иқтисодиёт таркиби материал ва энергия сиғими юқори ишлаб чиқариш турлари эвазига “оғирлашмоқда”. Истеъмол таркиби товарлар, хизматлар, озиқ-овқат маҳсулотларининг оқилона истеъмол меъёрлари йўналишида ўзгариб бориши лозим.

Макроиқтисодий даражада реал ва пул сектори ўртасидаги нисбатларни тартибга солиш алоҳида аҳамият касб этиб, улар бир-бирига нисбатан қарама-қарши бирликда жойлашган бўладилар. Ушбу секторларнинг бирига етарли даражада баҳо бермаслик ёки аҳамиятининг пасайтирилиши таркибий номутаносибликларга ва аҳоли турмуш даражасининг пасайишига олиб келади. Жами талаб ва жами таклиф

ўртасида мувозанатли нисбатга эришиш зарурияти айнан шу ҳолат билан тушунтирилади.

Бирламчи, иккиламчи ва учламчи секторлар ўртасидаги, шунингдек, товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ўртасидаги номутаносибликлар миллий иқтисодиёт учун жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин. Иқтисодиёт таркибида хизматлар улушининг ўсиб бориши бугунги кунда ижобий ҳолат бўлиб ҳисобланади.

Бозор ислохотлари жараёнида илғор бозор ва анаъанвий институтлар ўртасидаги нисбатларни, иқтисодиётнинг институционал таркибида меъёрларга амал қилишни, шунингдек, кучли ижтимоий табақаланишга йўл қўймаслик мақсадида иқтисодиётнинг ижтимоий таркибида турли ижтимоий қатламлар турмуш фаровонлигини оқилона даражада сақлаб туриш ҳаётий муҳим аҳамиятга эга.

Юқорида кўрсатилган макроиқтисодий пропорциялар давлат иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда муҳим роль ўйнайди. Ушбу пропорцияларни оқилона нисбатда сақлаб туриш миллий иқтисодиёт, бошқарув тизими ҳамда мамлакатда иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни тартибга солиш самарадорлигига баҳо бериш мезони ҳисобланади.

## **1.2. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистоннинг макроиқтисодий ривожланиш тенденциялари**

Жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий ва бошқа барча муаммоларни ҳал қилишнинг асосий йўли – бу миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва иқтисодий ўсишига эришишдир. Аҳоли фаровонлигининг ошиб бориши ҳам пировард натижада иқтисодий ўсиш даражаси ва суръатларига боғлиқ.

Иқтисодий ўсиш бевосита ялпи ички маҳсулот ҳажмининг мутлақ ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисодий ресурс харажатлари ҳар бир бирлиги ҳисобига ўсиши, сифатининг яхшиланиши ва таркибининг такомиллашувида

ифодаланади. Иқтисодий ўсишни ЯИМ мутлақ ҳажмининг ортиши орқали ёки аҳоли жон бошига реал ЯИМ миқдорининг ортиши орқали ўлчаш бунинг қандай мақсадда амалга оширилаётганига боғлиқ бўлади. Одатда бирон-бир мамлакат иқтисодий ўсишини ЯИМ мутлақ ҳажмининг ортиши орқали ўлчаш унинг иқтисодий салоҳиятини баҳолашда, аҳоли жон бошига реал ЯИМ миқдорининг ортиши орқали ўлчаш эса мамлакатдаги турмуш даражасини таққослашда қўлланилади.


Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, иқтисодий ўсишга баҳо беришда ҳар иккала кўрсаткич ҳам муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодий ўсиш муаммосини ўрганиш натижасида реал ишлаб чиқариш тизими дуч келувчи – чекланган ресурслардан самарали фойдаланиш муаммосига ечим топилади. Демак, иқтисодий ўсиш омиллари ва улар самарадорлигини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш жамият олдидаги энг долзарб муаммолардан биридир.

Иқтисодий ўсишга доир муаммолардан бири узлуксиз ва барқарор иқтисодий ўсишга эришиш ҳисобланади. Барқарор иқтисодий ўсиш деганда, асосий кўрсаткичларнинг қатор йиллар давомида узлуксиз ўсиши тушунилади. «Агар ЯИМнинг ўсиши уч йил давомида муттасил кузатилса, иқтисодий ўсиш барқарор ҳисобланади. Бунда аслида, ижтимоий - иқтисодий кўрсаткичлардан биргинаси эмас, уларнинг комплекси бўйича баҳолаш керак»<sup>2</sup>.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли иқтисодий ислохотлар натижасида 1996 йилдан бошлаб олдинги йилга нисбатан, 2001 йилдан бошлаб эса 1991 йилдаги даражага нисбатан ЯИМ ҳажмининг барқарор равишда ўсишига эришилди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида юзага келган муаммо ва қийинчиликларга қарамай, 2008 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қўшимча ўсиш суръатлари 9 фоизни, 2009 йилда 8,1 фоизни, 2010 йилда 8,5 фоизни, 2011 йилда эса 8,3 фоизни ташкил этди (1.1-расм).

---

<sup>2</sup> Мухаммедов Ю. Барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсишнинг омиллари ва эконометрик моделлари (Ўзбекистон Республикаси мисолида) : Дис. ...иқт.фандок.: ТДИУ, -Т., 2006. - 23 б.



**Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари**  
**1.1-расм. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллар давомида ўсиш динамикаси, фоизда**

Кейинги ўн йилда, яъни 2000 йилга нисбатан таққослаганда, 2010 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот қарийб 2 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 1,7 баробар ошди.

Ушбу кўрсаткичларнинг аҳамияти, уларнинг ҳақиқий салмоғи миллий валютанинг харид имкониятлари мутаносиблигини ҳисобга олган ҳолда янада ошади. Харид имкониятлари мутаносиблиги миллий валюталарнинг харид имкониятлари, яъни ҳар бир мамлакатдаги товар ва хизматларнинг муайян тўплами нархларини ҳисобга олган ҳолда улар ўртасидаги нисбатни англатади. Маълумки, миллий валютанинг алмашув курсини ўрнатишда мазкур валютага талаб ва таклифнинг нисбати ҳисобга олиниб, бу нисбат ташқи савдо операциялари, яъни савдо-сотиқда иштирок этувчи товар ва хизматлар асосида таркиб топади. Бироқ, жаҳоннинг аксарият мамлакатларида бу товар ва хизматлар ЯИМнинг жуда оз қисмини ташкил этади. Харид имкониятлари мутаносиблигини анқлашда имкон қадар товар ва хизматларнинг кенгроқ доирасини қамраб олишга ҳаракат қилинади. Масалан, миллий валюта харид имкониятлари мутаносиблиги бўйича турли мамлакатлар ЯИМ ҳажмини аниқлашга мўлжалланган БМТ Халқаро таққослашлар дастури доирасида 600-800 турдаги асосий истеъмол товарлари ва хизматлар, 200-300 турдаги асосий инвестиция товарлари, 10-20 та намунавий қурилиш объектлари ҳисобга олинади. Сўнгра мазкур тўпламнинг тадқиқ этилаётган мамлакат миллий валютасидаги ҳамда АҚШ долларидаги

қиймати аниқланади. Харид имкониятлари мутаносиблигини ўрнатиш асосида у ёки бу миллий валютанинг харид қобилияти баҳоланади<sup>3</sup>.

Харид имкониятлари мутаносиблигини ҳисобга олган ҳолда санаганда, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотнинг 2011 йилда 2000 йилга нисбатан ўсиши 3 қаррани ташкил қилди.

Ўз-ўзидан равшанки, буларнинг барчаси иқтисодиётимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсиб бораётгани ва мамлакатимизда рўй бераётган улкан ижобий ўзгаришлардан далолат беради.

Иқтисодиётимизда 2011 йили юқори ўсиш суръатлари таъминланиб, аҳолининг реал даромадлари 123,1 фоизга ошди, ўтган йилда инфляция даражаси 2010 йилдаги 7,4 фоиз ўрнига 7,3 фоизни ташкил қилди. Бу авваламбор қатъий, шу билан бирга, пухта ўйланган пул-кредит сиёсати ва инқирозга қарши кўрилган самарали чора-тадбирларимизнинг натижасидир.

Мамлакатимиз ЯИМ ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлашда иқтисодиётдаги етакчи тармоқларнинг юқори ўсиш суръатлари мустаҳкам замин тайёрламоқда. Жумладан, 2011 йилда саноат ишлаб чиқариши 6,3 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,6 фоиз, чакана савдо айланмаси 16,4 фоиз ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш 16,1 фоизга барқарор юқори суръатлар билан ўсди (1.1-жадвал).

#### 1.1-жадвал

#### Ўзбекистонда иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларидаги ўсиш суръатлари, фоизда

| Кўрсаткич                              | 2007 йил | 2008 йил | 2009 йил | 2010 йил | 2011 йил |
|----------------------------------------|----------|----------|----------|----------|----------|
| Саноат ишлаб чиқариши                  | 12,1     | 12,7     | 9,0      | 8,3      | 6,3      |
| Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш | 6,1      | 4,5      | 5,7      | 6,8      | 6,6      |
| Чакана савдо айланмаси                 | 21,0     | 7,2      | 16,6     | 14,7     | 16,4     |
| Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш      | 20,6     | 21,3     | 12,9     | 13,4     | 16,1     |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Жадвалдан кўринадики, жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида дунё миқёсида ялпи талаб, савдо ва инвестициялар ҳажмининг

<sup>3</sup> Мировая экономика: Учебник / Под ред. проф. А.С.Булатова. – М.: Экономистъ, 2005. – С.51.

сезиларли даражада қисқариши юртимиз иқтисодиётига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатди. Хусусан, инқироздан олдинги 2007 йилда чакана савдо айланмаси ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишнинг қўшимча ўсиш суръатлари даражаси (тегишли равишда 21,0 ва 20,6 фоиз)нинг кейинги йилларда сезиларли пасайиши кузатилди. Бироқ, шуниси эътиборга лойиқки, шундай мураккаб ва қийин шароитда ҳам иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларида иқтисодий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатлари сақланиб қолмоқда.

Ўзбекистон ўзи танлаган мустақил тараққиёт йўлидан бориб, бозор муносабатлари тизимини шакллантириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, ислохотларни янада чуқурлаштириш, турли соҳа ва тармоқлар ўртасида мутаносибликни таъминлаш вазифаларини амалга ошириб келмоқда. Бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг устувор йўналишларидан бири иқтисодиёт тармоқлари таркибида ислохотларни амалга ошириш ҳисобланади. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида олиб борилган иқтисодий ўсиш сиёсати иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш заруратини кўрсатади. Бозор иқтисодиёти шароитида таркибий ислохотлар макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, корхоналарни янги технология ва жиҳозлар билан жиҳозлаш, иқтисодиётда нодавлат сектор улушини ошириш ва бошқаларга йўналтирилади.

Кейинги йилларда иқтисодиётимизда юз бераётган жиддий таркибий ва сифат ўзгаришлари иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим ўринга эга бўлмоқда. Агар 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда саноат ишлаб чиқаришининг улуши бор-йўғи 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 24,1 фоизга етганлиги фикримиз далилидир.

Саноат маҳсулоти умумий ўсишининг қарийб 70 фоизини юқори қўшилган қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган соҳалар ташкил этди.

Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг локомотивига айланган машинасозлик ва автомобилсозлик (12,2 фоиз), кимё ва нефть-кимё саноати (9,4 фоиз), озиқ-овқат саноати (13,1 фоиз), қурилиш материаллари саноати (11,9 фоиз), фармацевтика ва мебелсозлик (18 фоиз) 2011 йилда жадал суръатлар билан ривожланди. Умумий ҳолда саноат тармоқлари ишлаб чиқариш суръатларининг ўсишини 1990 йил даражасига таққослайдиган бўлсак, 2011 йилда бу кўрсаткичлар бир неча марта ўсганини кўришимиз мумкин (1.2-жадвал).

### 1.2-жадвал

#### Саноат тармоқлари ишлаб чиқариш суръатларининг ўсиши, фоиз (1990=100 фоиз)

| Кўрсаткичлар                                 | 1990 йил | 2000 йил | 2011 йил* |
|----------------------------------------------|----------|----------|-----------|
| Саноат – жами                                | 100      | 123,6    | 3,2 марта |
| Ёқилғи саноати                               | 100      | 127,3    | 2,2 марта |
| Қора металлургия                             | 100      | 58,8     | 1,6 марта |
| Рангли металлургия                           | 100      | 107,4    | 116,1     |
| Кимё ва нефть-кимё саноати                   | 100      | 97,5     | 3,1 марта |
| Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати | 100      | 142,2    | 13 марта  |
| Қурилиш материаллари саноати                 | 100      | 58,4     | 1,5 марта |
| Енгил саноат                                 | 100      | 159,2    | 4 марта   |
| Озиқ-овқат саноати                           | 100      | 150      | 6,4 марта |
| Бошқа соҳалар                                | 100      | 162,6    | 6,2 марта |

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Жадвалдан кўринадики, мустақиллик йилларида мамлакатимиздаги саноат тармоқларида ишлаб чиқариш суръатлари 3,2 марта ўсган. Ушбу ўсишни таъминлашда, айниқса, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноатининг 13 марта, озиқ-овқат саноатининг 6,4 марта, енгил саноатнинг 4 марта ўсиши сезиларли таъсир кўрсатди. Қурилиш материаллари саноатининг ўсиши дастлабки 10 йил ичида, яъни 2000 йилда 58,4 фоизни ташкил этган бўлса, кейинги йилларда мазкур соҳани ривожлантиришга қаратилган эътибор ҳамда яратилган шарт-шароитлар натижасида 2011 йилдаги ўсиш 1,5 мартани ташкил этди.


Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2011 йилда 11,2 фоизга ўсди, 2000 йилга нисбатан эса бу кўрсаткич 4 баробардан зиёд ошди.

Мамлакатимизда ўтган даврларда саноатни ривожлантиришнинг асосий омиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- мақсадли дастурларни амалга ошириш;
- инфратузилмани шакллантириш (сув, газ, электр энергияси, транспорт ва бошқалар);
- енгил саноат соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;
- чарм хом ашёсини қайта ишлаш соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва бозорни маҳаллий маҳсулотлар билан таъминлаш;
- халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш ва улар билан бозорни тўла таъминлаш;
- қурилиш материаллари индустриясини ривожлантириш;
- саноатни ривожлантиришда банк кредитлари таъсирчанлигини ошириш;
- саноатни ривожлантиришда қўшма корхоналарнинг улушини ошириш;
- маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш;
- маҳаллийлаштириш дастури ва халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси доирасида яратилган имтиёз ва преференциялардан кенг фойдаланиш;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорти кўламини кенгайтириш, кичик корхоналар маҳсулотларини экспортга йўналтиришга кўмаклашиш.

Таъкидлаш керакки, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва бу соҳаларни диверсификация қилишга қаратилаётган улкан эътибор экспорт ҳажми, унинг таркиби ва сифатига ижобий таъсир кўрсатди.

2011йилда экспорт маҳсулотлари ҳажми 2010йилга нисбатан қарийб 15,4 фоизга кўпайди ва 15 миллиард доллардан кўпроқни ташкил этди. Бу 2000йилга нисбатан 4,6 баробар зиёддир. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 4 миллиард 500 миллион доллардан ошди (1.2-расм).




**Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари**  
**1.2-расм. Ўзбекистонда ташқи савдонинг динамикаси, миллиард АҚШ долл. ҳисобида**

Ташқи савдо айланмаси таркибидаги бундай ижобий ўзгаришлар мустақиллик йилларида мазкур соҳага қаратилган эътибор, хусусан экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ҳар томонлама рағбатлантириш ҳамда импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган иқтисодий сиёсат натижалари ҳисобланади. “Ўзбекистон мустақилликкача бўлган даврдаги четга хомашё чиқарадиган ва тайёр маҳсулотлар, асосан истеъмол товарларини олиб кирадиган мамлакатдан бугунги кунда тобора кўшилган қиймати юқори бўлган тайёр маҳсулотларни экспорт қиладиган ва кўпроқ ишлаб чиқаришни техник ҳамда технологик модернизация қилиш учун мўлжалланган юқори технологиялар асосидаги ускуналарни импорт қиладиган мамлакатга айланиб бормоқда.

Экспортнинг товар таркибини диверсификация қилиш натижасида мамлакатимиз пахта яккаҳоқимлиги оқибати бўлган пахта толаси экспортига қарамликдан халос бўлди. Унинг экспортдаги улуши камайиб, 1990 йилдаги 59,7 фоиздан 2010 йилда 11,3 фоизга тушди<sup>4</sup>. 2011 йилда экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 60 фоизни ташкил этди, ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич қарийб 46 фоизни ташкил этган эди.

Президентимиз ўз маърузасида Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ва мутаносиб ривожланиб бораётганини 2005 йилдан бошлаб Давлат бюджети профицит билан бажарилаётгани ҳам яққол тасдиқлаб турганини таъкидлаб ўтди (1.3-расм).



**Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари**  
**1.3-расм. Давлат бюджети кўрсаткичларининг бажарилиш даражаси, фоизда**

Расмдан кўринадики, 2000-2004 йиллар давомида мамлакатимиз давлат бюджети тақчиллигини -1,0 фоиздан -0,4 фоиз даражасига қадар пасайтиришга, 2005-2008 йиллар давомида эса давлат бюджети тақчиллигига барҳам бериб, давлат бюджети профицитини 0,1 фоиздан 1,5 фоизга қадар оширишга эришилди. Кейинги йилларда мазкур жараёнларга ҳам жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ўзининг салбий таъсирини кўрсатишига қарамасдан, бюджет профицитини сақлаб қолишга эришилмоқда. Хусусан, жуда мураккаб кечган 2011 йилда ҳам мақсадга мувофиқ йўналтирилган

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011, 59-61-б.

чора-тадбирлар натижасида бюджет даромадлари унинг харажатларидан ортиш ҳажми ЯИМнинг 0,4 фоизи даражасида бўлишига эришилди. Умуман олганда, давлат бюджети соҳасидаги бундай натижаларни қўлга киритишда мамлакатимиз иқтисодиётини босқичма-босқич ўзгартириш ва эркинлаштириш, илгари давлат зиммасида бўлган бир қанча вазифаларнинг хусусий секторга ўтказиш орқали давлат бюджети харажатларини оптималлаштириш, янги саноат йўналишларининг ривожлантирилиши ҳамда хусусий сектор молиявий ҳолатининг мустаҳкамланиши, шунингдек, унинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушининг ортиши каби омиллар сезиларли таъсир кўрсатди.

Мустақиллик йилларида давлат бюджети харажатларининг таркиби сифат жиҳатидан ўзгарди. Ҳозирги вақтда давлат харажатлари таркибида кучли ижтимоий сиёсат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни амалга оширишни молиялаштириш асосий ўрин тутди. Натижада ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтириладиган харажатлар улуши 1990 йилдаги 31,5 фоиздан 2000 йилда 42,5 фоизга ва 2010 йилда 59 фоизга изчил ўсди<sup>5</sup>. 2011 йилда Давлат бюджетининг харажатлар қисми 2010 йилга нисбатан 25,4 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса қарийб 17,8 баробар ўсди. Қайд этиш жоизки, давлат бюджети харажатларининг 58,7 фоизи ижтимоий соҳани молиялаш ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

Президентимиз ўз маърузасида 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, мамлакатимизнинг умумий ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотнинг 17,5 фоизидан, экспорт ҳажмига нисбатан эса 53,7 фоиздан ошмаганига алоҳида эътиборни жалб этиб, бундай рақамлар халқаро мезонлар бўйича “Ҳар жиҳатдан мақбул ҳолат” деб ҳисобланишини қайд этди. Буларнинг барчаси мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб ҳам давлат, ҳам тижорат банклари, компания ва корхоналар миқёсида ҳар томонлама пухта ўйланган

---

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011, 59-61-б.

четдан қарз олиш сиёсатини амалга ошириб келаётганимиз билан боғлиқ эканини таъкидладилар.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан хулоса қилиш мумкинки, кейинги йилларда жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган ўзгаришлар ва турли салбий тенденцияларга қарамасдан, Ўзбекистонда олиб борилаётган самарали иқтисодий сиёсат ҳамда халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига жуда катта ижобий натижалар қўлга киритилмоқда, иқтисодиётимизда жиддий таркибий ва сифат ўзгаришларига эришилмоқда. Буларнинг барчаси пировардида халқимиз турмуш фаровонлигининг ўсишига, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўз ўрни ва мавқеининг тобора мустаҳкамланиб боришига мутаҳкам замин яратмоқда.

## **2-БОБ. ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ ВА ИНҚИРОЗДАН КЕЙИНГИ ДАВРДА ТУРКИЯ МАКРОИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

### **2.1. Глобал инқирознинг Туркия макроиқтисодий ривожланишига таъсири**

Туркия иқтисодиёти - замонавий саноат ва ЯИМ шаклланишида салмоқли ўрин тутувчи қишлоқ хўжалиги соҳаларининг уйғунлигидан иборат бўлган иқтисодиётдир. Туркияда кучли ва юқори суръатлар билан ривожланаётган хусусий секторга асос солинган бўлсада, давлат асосий тармоқлар, банк сектори, транспорт ва коммуникация каби соҳаларнинг асосий иштирокчиси саналади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Туркия сўнгги йилларда юқори ўсиш суръатларини намоён қилиб келаётган мамлакатлардан бири ҳисобланади.

#### **2.1-жадвал Туркия Республикасида ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўзгариши динамикаси,**

| Йиллар                               | ЯИМ жорий нархларда,<br>млрд. доллар | Аҳоли жон бошига<br>ЯИМ, доллар | ЯИМнинг<br>ўсиши, % |
|--------------------------------------|--------------------------------------|---------------------------------|---------------------|
| 2000                                 | 266.6                                | 4189.4                          | 6.8                 |
| 2001                                 | 196.0                                | 3036.8                          | -5.7                |
| 2002                                 | 232.5                                | 3553.0                          | 6.2                 |
| 2003                                 | 303.0                                | 4567.5                          | 5.3                 |
| 2004                                 | 392.2                                | 5832.5                          | 9.4                 |
| 2005                                 | 483.0                                | 7087.8                          | 8.4                 |
| 2006                                 | 530.9                                | 7687.4                          | 6.9                 |
| 2007                                 | 647.1                                | 9245.8                          | 4.7                 |
| 2008                                 | 730.3                                | 10297.3                         | 0.7                 |
| 2009                                 | 614.6                                | 8554.0                          | -4.8                |
| 2010                                 | 734.4                                | 10095.1                         | 9.0                 |
| 2011                                 | 772                                  | 11212                           | 5.1                 |
| 2011 йилда 2000 йилга<br>нисбатан, % | 2,9 марта                            | 2,7 марта                       | -                   |

**Манба:** Туркия статистика институти (TurkStat) маълумотлари асосида тузилган

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2000-2011 йиллар давомида Туркия ялпи ички маҳсулоти 266,6 млрд. доллардан 772 млрд. долларгача, яъни 2,9 мартага ўсди. Айни вақтда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажми эса 2,7 мартга кўпайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг таъсирига қарамасдан сўнгги 9 йил давомида Туркияда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўртача ўсиш суръати 5,2 фоизни ташкил этди.

### 2.1-расм. Жаҳоннинг баъзи мамлакатларида 2002-2009 йилларда ЯИМнинг ўртача қўшимча ўсиш суръатлари (%да)



Манба: ХВФнинг ҳисоботи «Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш истиқболлари», 2012 йил апрель, Туркия статистика институти (TurkStat)


Айни вақтда ОЭСР аъзолари орасида Туркиянинг 2011-2017 йилларда энг тез ривожланувчи мамлакатлардан бири бўлиши башорат қилинмоқда<sup>6</sup>. Бу даврда Туркия ялпи ички маҳсулотининг ўртача қўшимча ўсиш суръати 6,7 фоизни ташкил этиши тахмин қилинмоқда. Бугунги кунда Туркия харид қобилияти асосланган ялпи ички маҳсулотининг умумий ҳажми бўйича жаҳонда 16-ўринни, Европа Иттифоқи мамлакатлари билан солиштирганда 5-ўринни эгаллайди.

<sup>6</sup> Экономический обзор по ОЭСР № 86

Туркия иқтисодиётининг юқори суръатларда ривожланиши, энг аввало, мамлакатда қулай инвестиция муҳитининг шакллантирилганлиги туфайли бевосита хорижий инвестициялар оқимининг йил сайин ўсиб бориши билан изоҳланади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2002-2011 йиллар давомида Туркия иқтисодиётига 110 млрд. долларлик бевосита хорижий инвестициялар жалб этилган. Туркия инвестиция жозибадорлиги бўйича жаҳоннинг 13-мамлакати ҳисобланади<sup>7</sup>.

Туркия иқтисодиётининг юқори суръатларда ривожланишини таъминлаётган омиллардан яна бири хусусий секторнинг изчил тараққий топаётганлиги ҳисобланади. Чунончи, Туркия хусусий секторининг экспорт ҳажми 2011 йилда 135 млрд долларни ташкил этди ва 2002-2011 йиллар давомида 275 фоизга ўсди.

## **2.2.-расм. Туркияда ташқи қарз миқдорининг ўзгариши (ЯИМ га нисбатан %да)**



**Манба:** ХВФнинг ҳисоботи «Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш истиқболлари», 2012 йил апрель, Туркия статистика институти (TurkStat)

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда Туркия юқори ўсиш суръатларини таъминлаш билан бирга бюджет харажатларидан ҳам оқилона фойдаланмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, 2011 йилда Туркия Республикасининг давлат қарзи ялпи ички маҳсулотнинг 39,4 фоизини


<sup>7</sup> Индекс доверия по прямым иностранным инвестициям А.Т. Kearney

ташкил этди. Ваҳоланки, 2002 йилда бу кўрсаткич ялпи ички маҳсулотнинг 74 фоизини ташкил этар эди.

Кўриниб турибдики, бу кўрсаткич Маастрихт шартномасида кўзда тутилган мезонларга тўла мувофиқ келади (Маастрихт шартномасига кўра давлатнинг ташқи қарзи мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 60 фоизидан ошиб кетмаслиги керак). Умуман олганда 2004 йилдан бошлаб Туркия бу мезонларини тўлиқ бажариб келмоқда.

Худди шундай давлат бюджет тақчиллиги ҳам 2002 йилда 10 фоиздан 2011 йилда 3 фоизгача пасайди. Бу ҳам Маастрихт талабларига тўла мувофиқ келади.

### 2.3-расм. Туркияда давлат бюджети кўрсаткичларининг бажарилиш даражаси, фоизда



**Манба:** Евро комиссиянинг иқтисодий ва молиявий масалалар бўйича бош бошқармаси (ECFIN)

Туркия иқтисодиётида юз бераётган ижобий ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2005-2011 йиллар давомида Туркиянинг экспорт ҳажми 73,5 млрд. доллардан 135 млрд долларгача ўсди.

## 2.2-жадвал

### Туркия Республикасининг 2005-2011 йиллардаги ташқи савдо айланмаси динамикаси, млрд. АҚШ доллари

|                       | 2005    | 2006   | 2007   | 2008    | 2009   | 2010   | 2011    |
|-----------------------|---------|--------|--------|---------|--------|--------|---------|
| Экспорт (FOB)         | 73476   | 85535  | 107272 | 132002  | 102143 | 113883 | 134969  |
| Импорт (CIF)          | 116774  | 139576 | 170063 | 201961  | 140929 | 185544 | 240838  |
| Ташқи савдо айланмаси | 190 251 | 225111 | 277334 | 333963  | 243072 | 299428 | 375807  |
| Сальдо                | -43298  | -54041 | -62791 | -69 959 | -38786 | -71661 | -105869 |

Манба: ХВФнинг ҳисоботи «Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш истиқболлари», 2012 йил апрель, Туркия статистика институти (TurkStat)

Шу билан бирга Туркия ташқи савдосида импортнинг экспортдан устун эганлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2005-2011 йиллар давомида Туркия импорт 116,7 млрд. доллардан 240838 млрд долларгача ўсган. Бунинг натижасида Туркия Республикаси ташқи савдоси балансининг салбий сальдоси 2005 йилда 43,3 млрд доллардан 2011 йилда 105,9 млрд долларгача ўсган.

Мамлакатда енгил саноат сектори (кийим-кечак ва текстил маҳсулотлари ишлаб чиқариш) анча ривожланган бўлиб, у Туркиянинг умумий саноат ишлаб чиқариш қувватининг 1/3 қисмини ташкил қилади. Ҳозирги кунда турк енгил саноат маҳсулотлари анча арзон аналогик хитой маҳсулотлари билан рақобатлашишига тўғри келмоқда.

Жаҳон-молиявий инқирози дунёнинг барча нуқтасига ўз таъсирини ўтказиб улгурди, бу ўринда Туркия Республикаси ҳам бундан мустасно эмас. Бундай шароида ҳукумат дастлаб ХВФ дан иқтисодиётни қўллаб –қувватлаш учуш ёрдам сўради. ХВФ томонидан стандарт қилиб белгиланган 2 млрд долларлик квотанинг мамлакат иқтисодиётини тиклаш учун етарли эмаслиги маълум бўлди. 2009 йилнинг бошида мамлакатга 40 млрд доллар миқдорида капитал қўйилмаси зарур эди.

Шунингдек, 2009 йилнинг бошидан бошлаб, меҳнат бозоридан салбий статистик маълумотлар кела бошлади. Туркия иқтисодий сиёсати илмий-текшириў институти TEPAV маълумотларига кўра, глобал инқироз шароитида Туркиянинг ғарбий ва жанубий саноат районларида жойлашган

йирик компанияларнинг ишчилари биринчилардан бўлиб, иш йўқотишга учраганлар. Янги вакансиялар яратиш имкониятлари анча қисқарди, шунингдек иқтисодиётнинг кўпгина тармоқларидаги бандлик соҳасида катта йўқотишлар юз берди. TERA V маълумотларига кўра, 2008 йилнинг учинчи чорагига қадар 10%ни ташкил қилиб турган ишсизлик 2009 йилнинг биринчи чорагида 16%ни, иккинчи чорагида эса 13%ни ташкил қилган. **CNN Turk** маълумотларига кўра, бу даврдаги ишсизлик Республика тузилганидан бери бўлган давр ичида рекорд даражасига етган.

2009 йилнинг биринчи чорагига келиб, хорижга ишлашга кетган турк фуқароларининг сони сезиларли даражада қисқарган. Туркиянинг банлик бўйича ташкилоти İŞKUR маълумотларига кўра, турк гастербайтерларининг аксарият қисми Россия, Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда Марказий Осиё мамлакатларида ишлайди. 2009 йилнинг январ ойидан то июль ойига қадар 20226 та турк фуқаролари хорижга ишлашга жўнаганлар, бу кўрсаткич 2008 йилдаги маълумотларга нисбатан 2 баравар кам. Аввалари турк гастербайтерларининг асосий манзили Германия ҳисобланган бўлса, ҳозирги кунда Россия ҳисобланади, бу мамлакатга 2009 йилнинг 7 ойи ичида 4480 та турк фуқаролари ишлашга кетганлар, 2008 йилда эса бу миқдорга 60%га ортиқ, яъни 12000 кишига тенг бўлган. Ундан сўнг эса бу давр ичида Ливия, Саудия Арабистони, Туркманистон ва атига 20 киши АҚШга ишлашга кетган.

Шунингдек глобал инқироз шароитида меҳмонхона бизнеси ва туризм сектори катта йўқотишларга учраган.

2009 йилнинг январ-сентябрь ойлари оралиғида мамлакатга 7,08 млн хорижлик сайёҳлар кириб келган, бу кўрсаткич 2008 йилга нисбатан 4,8 фоизга қисқарган, хусусан Россияликлар сони 3,3 фоизга, Украиналиклар сони 24 фоизга, Исроиликлар сони эса 47 фоизга қисқарган.

Шунингдек Туркияда инқироз шароитида саноат ишлаб чиқариши ҳам 9,2 фоизга қисқарган.

Инқирозга қарши чора-тадбирларини амалга ошириш мақсадида, Марказий Банк 2008 йилнинг охиридан бошлаб, ишлаб чиқарувчи фирмалар учун кредитларни арзонлаштириш мақсадида фоиз ставкаларини қисқартирди.

Шунингдек, инқироз шароитида казиб олиш саноатида 0,6 фоизлик ўсиш, қайта ишлаш саноатида 7,2 фоизлик, энергетика саноатида эса 3,6 фоизлик ишлаб чиқаришнинг қисқариши кузатилди. Шу ўринда инвестицион маҳсулотлар ишлаб чиқариш 15,8 фоизга қисқарган бўлса, узоқ муддатли фойдаланадиган маҳсулотлар ва мебель ишлаб чиқариш 11,5 фоизга ўсган. Чунончи, транспорт воситалари, нефт маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ҳамда тош кўмир казиб олиш сезиларли суръатда қисқарган. Озиқ-овқат ишлаб чиқариш саноати 1,7 фоизга, тўқимачилик саноатида ишлаб чиқариш 2,9 фоизга, тоғ-кон казиб олиш саноати 9,8 фоизга қисқарган. 2009 йил август ойида турк автомобилларини хорижга сотиш 29 фоизга, умумий мамлакат экспорти эса 24,4 фоизга қисқарган. Шу тариқа Туркия иқтисодиётининг ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффиценти 2009 йилда ўтган йилга нисбатан 6,5 фоизга қисқарган ва бу коэффициент 2009 йилнинг август ойида 69,7 фоизни ташкил этган.

Ушбу маълумотларни тақдим этган TurkStat, ишлаб чиқаришнинг қисқаришига ички ва ташқи бозордаги талабнинг қисқариб кетишини омил деб кўрсатади. Статистик маълумотларга кўра, инқироз шароитида ишлаб чиқаришнинг қисқаришига 52,2 фоиз ички талабнинг қисқариши, 29,8 фоиз ташқи талабнинг қисқариши, 3,7 фоиз молиявий муаммолар, 3,6 фоиз ички хом ашё ресурсларининг етишмаслиги, 1,2 фоиз ишчилар билан муаммо сабаб бўлган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Туркия Республикасининг жаҳон-молиявий инқирози шароитида бу каби тушкунликка тушишига қуйидаги омиллар сабаб бўлган:

- Туркия иқтисодиётининг хизмат кўрсатиш соҳасига, хусусан туризм ва меҳмохона бизнесига йўналтирилганлиги. Туристлар оқимининг

қисқариши даромадларнинг қисқаришига, шунингдек бу шароитда меҳнат бозоридаги салбий ўзгаришлар ушбу секторда банд бўлганларнинг ишларидан айрилишига олиб келди.

- Туркия иқтисодиётининг жаҳон молиявий инқирози шароитида жиддий талофат кўрган саноат секторларига, масалан автомобилсозлик саноатига йўналтирилганлиги.

- Мамлакатнинг ташқи савдо фаолиятида Россия ва Германия каби инқироз шароитида жиддий талофот кўрган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилганлиги.

- Айнан Россия ва Германия кади асосий савдо ҳамкорлари ҳисобланмиш мамлакатларга инқирознинг жиддий таъсир кўрсатиши натижасида бу мамлакатлардаги турк ишчиларининг сони ва уларнинг мамлакатларига юборадиган пул маблағларининг қисқариши;

- Мамлакатдаги баланслашмаган демографик вазият ва иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси.

Жаҳон-молиявий иқтисодий инқирози шароитида мамлакат ишлаб чиқаришида кузатилган ўзгаришлар:

- қайта ишлаш саноатида ишлаб чиқариш 7,2 фоизга
- энергетика саноатида ишлаб чиқариш 3,6 фоизга
- инвестицион маҳсулотлар ишлаб чиқариш 15,8 фоизга
- Озиқ-овқат ишлаб чиқариш саноати 1,7 фоизга
- текстил саноатида ишлаб чиқариш 2,9 фоизга
- тоғ-кон қазиб олиш саноати 9,8 фоизга
- турк автомобилларин хорижга сотиш 29 фоизга
- умумий мамлакат экспорти 24,4 фоизга
- Туркия иқтисодиётининг ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффиценти 6,5 фоизга қисқарган.

Шунга қарамасдан, юқорида таъкидлаганимиздек, Туркия жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини тез бартараф эта

олди ва 2010-2011 йилларда юқори ўсиш суръатларини намоён қилмоқда. Мутахассислар фикрича, Туркиянинг глобал инқироз таъсиридан тез суръатларда халос бўлиши қуйидаги омиллар билан изоҳланади:

- бюджет интизомига қатъий амал қилинганлиги ва чекланган бюджет-молия сиёсатининг амалга оширилиши;
- мамлакатда комплекс ва кенг кўламдаги таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилганлиги;
- таркибий ўзгаришларда хусусий сектор мавқеини оширишга алоҳида эътибор қаратилганлиги;
- молиявий сектор самарадорлигининг оширилганлиги;
- ижтимоий таъминот тизимида қатъий ва изчил сиёсат олиб борилганлиги ва ҳоказо.

## **2.2. Бевосита хорижий инвестициялар макроиқтисодий барқарорликни таъминлашнинг муҳим омили сифатида**

2002 йилнинг охири маълумотларига кўра, мамлакатга киритилган инвестицияларнинг 56%и саноат ишлаб чиқариши, 40%и хизмат кўрсатиш, 4%и эса қишлоқ хўжалиги ва тоғ-кон саноати тармоқларига тўғри келган.<sup>8</sup>

Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози ўз кўламига кўра, бутун жаҳон иқтисодиётига ўзининг жиддий салбий таъсирини кўрсатиб, дунёнинг кўплаб давлатлари ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайишига, инфляциянинг ўсишига, тўлов балансининг ёмонлашишига, инвестиция фаолиятининг пасайишига, ишсизликнинг ортиб кетишига, аҳоли реал даромадлари ва турмуш даражасининг пасайишига, иқтисодий нобарқарорлик, яъни рецессия ҳолатининг юзага келишига олиб келувчи асосий омиллардан бири бўлди.

Мазкур омил 2008 йилда Америка Қўшма Штатлари (АҚШ)нинг қарздорлик муносабатлари пирамидасидаги мавжуд муаммолардан юзага

---

<sup>8</sup> [www.turkey-info.ru](http://www.turkey-info.ru)

чиқиб, бошқа омиллар билан бир қаторда мамлакатлардаги мавжуд инвестиция муҳити ва инвестиция муносабатларига ҳамда иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатди.

### 2.3-жадвал

#### Туркияда тўғридан тўғри хорижий инвестицияларнинг тармоқлар бўйича тақсимланиши (млн. \$)

|                                                            |               |
|------------------------------------------------------------|---------------|
| <b>Туркия иқтисодиётининг тармоқлари</b>                   | <b>2008</b>   |
| Қишлоқ хўжалиги, овчилик, ўрмончилик ва аквакультура       | 44            |
| Тоғ кон саноати                                            | 168           |
| Қайта ишлаш саноати                                        | 3 734         |
| Озиқ овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари | 1 278         |
| Текстиль                                                   | 189           |
| Кимё маҳсулотлари                                          | 121           |
| Машина ва дастгоҳлар                                       | 219           |
| Автомобилсозлик                                            | 67            |
| Бошқалар                                                   | 1 860         |
| Электр, газ, сув                                           | 1 034         |
| Қурилиш                                                    | 887           |
| Улгуржи ва чакана савдо                                    | 2 059         |
| Меҳмонхона ва ресторан бизнеси                             | 27            |
| Транспорт, телекоммуникации ва логистика                   | 169           |
| Молия-кредит ташкилотлари                                  | 5 456         |
| Кўчмас мулк                                                | 656           |
| Бошқа ижтимоий ва маиший хизматлар                         | 208           |
| <b>Жами:</b>                                               | <b>14 442</b> |

Манба: Туркия марказий банки

Туркиядаги хорижий инвестицияга эга бўлган компанияларнинг тармоқлар бўйича 1957-2007 йилларгача бўлган таҳлили шуни кўрсатадики, бу компанияларнинг 30%и улгуржи-чакана савдо соҳасида, 19%и қайта ишлаш соҳасида, 15%и кўчмас мулк ва кўчмас мулк ижараси соҳасида, 9%и қурилишда, 7%и меҳмонхона ва ресторан бизнесида, 7%и бошқа коммунал, ижтимоий ва маиший хизмат соҳасида, 2 %и тоғ-кон ва казиб олиш соҳасида, 2%и қишлоқ хўжалигида, 2%и электр, газ ва сув таъминотида ва 1%и бошқа соҳаларда фаолият кўрсатади.

Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банкнинг директори Майкл Давейнинг маълум қилишича, банк ўз бюджетининг 25-30%ини Туркия энергетикаси ва янгиланадиган энергия манбаларининг ривожлантириш

инвестицияларига ажратади ва 2011 йилнинг январ ойларида бу соҳага 1-1,5 млрд доллар маблағ киритилади.<sup>9</sup> Шунингдек унинг таъкидлашича, банк Туркияга инвестиция киритмоқчилар учун қўллаб-қувватлаш дастурларини кенгайтиришни режлаштирган. TUSKON билан ҳамкорликда ташкил этилган энергетика ва атроф-муҳитни асраш бўйича Канада-Турк ишбилармонлик Форумидаги ўз нутқида Майкл Давей ўтган йили жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитлари ҳукм сурган бўлишига қарамай ЕТТБ Туркиядаги тижорат банкларига қараганда анча муваффақиятли фаолият кўрсатгани, шунингдек банк ҳар йили камида 8-9 млн евро миқдордаги инвестицияларни Туркияга киритишни, инвесторларни қўллаб-қувватлаш чораларини кенгайтиришни ва инвестицион лойиҳаларни кенгайтириш мақсадида мамлакатда яна бир нечта ўз идораларини очишни режлаштираётганини маълум қилди. 2008 йил октябрда ЕТТБ Туркия Республикасида ўзининг биринчи ва ягона идорасини очди.<sup>10</sup>

2001 йилда мамлакат иқтисодиётининг турли тармоқларида хорижий инвестиция иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 4600тани ташкил қилган.<sup>11</sup> 2003 йилда, янги инвестицион қонун қабул қилинган пайтда мамлакатдаги хорижий компаниялар сони 6.500тани ташкил қилган, 2007 йилда эса уларнинг сони 18300 тага етган.<sup>12</sup> Бундай йирик инвесторлар қаторидан Япониянинг Toyota”, “Honda”, АҚШнинг Ford”, “P&G”, “Philip Morris”, Франциянинг “Renault”, “Cement Française”, Германиянинг “Bosch”, “Mercedes”, “Siemens”, Италиянинг “Pirelli”, “Fiat” каби компаниялари ўрин олган. Хозирга келиб бу компаниялар Туркиядаги қулай инвестицион иқлимдан фойдалашни мақсад қилган корхонларнинг атиги бир қисми бўлиб қолди. Туркиядаги йирик инвестор мамлакатлар бу- Франция, АҚШ, Нидерланды, Германия, Швейцария, Буюк Британия, Италия ва Япониядир.

---

<sup>9</sup> [www.infoturk-biz.com](http://www.infoturk-biz.com) ЕБРР выделит 1,5 млрд. евро на инвестиции в энергетический сектор Турции

<sup>10</sup> [www.infoturk-biz.com](http://www.infoturk-biz.com) ЕБРР выделит 1,5 млрд. евро на инвестиции в энергетический сектор Турции

<sup>11</sup> С.А.Трубникова ИНОСТРАННЫЕ ИНВЕСТИЦИИ В ТУРЦИИ *ВОСТОКОВЕДНЫЙ СБОРНИК* выпуск второй). М., 2001, 374 стр Стр. 313-318 [www.middleeast.org.ua](http://www.middleeast.org.ua)

<sup>12</sup> [www.infoturk-biz.com](http://www.infoturk-biz.com)

Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида мамлакатга кириб келган тўғридан- тўғри инвестицияларнинг ҳажми 2008 йилда 14,5 млрд долларни ташкил қилди.<sup>13</sup>

#### 2.4-жадвал

#### Туркияда тўғридан-тўғри инвестицияларнинг географик таркиби (млн. \$)

|                                                     | 2007          | 2008          |
|-----------------------------------------------------|---------------|---------------|
| <b>Европа мамлакатлари</b>                          | <b>12 600</b> | <b>11 008</b> |
| Германия                                            | 954           | 1 048         |
| Франция                                             | 368           | 680           |
| Нидерланды                                          | 5 433         | 1 767         |
| Буюк Британия ва Шимолий Ирландия                   | 702           | 2 281         |
| Италия                                              | 74            | 219           |
| ЕИнинг бошқа мамлакатлари                           | 5 059         | 5 013         |
| Европанинг бошқа мамлакатлари (ЕИга кирмайдиганлар) | <b>373</b>    | <b>289</b>    |
| Африки мамлакатлари                                 | <b>5</b>      | <b>83</b>     |
| АҚШ                                                 | <b>4 212</b>  | <b>848</b>    |
| Канада                                              | <b>11</b>     | <b>24</b>     |
| Марказий ва Жанубий Америка ва кариб мамлакатлари   | <b>494</b>    | <b>60</b>     |
| <b>Осиё</b>                                         | <b>1 405</b>  | <b>2 129</b>  |
| Форс кўрфази мамлакатлари                           | 311           | 1 746         |
| Яқин Шарқ мамлакатлари                              | 297           | 223           |
| Осиёнинг бошқа мамлакатлари                         | 797           | 160           |
| Бошқа мамлакатлар                                   | <b>36</b>     | <b>1</b>      |
| <b>Жами:</b>                                        | <b>19 136</b> | <b>14 442</b> |

**Манба: Туркия марказий банки**

Халқаро Молия Институтининг прогнозларига кўра, ривожланаётган мамлакатларга, шунингдек Туркияга 2011 йилда тўғридан -тўғри кириб келаётган хорижий инвестицияларнинг миқдори 40%га ортади. 2008 йилда мамлакатга кириб келган тўғридан -тўғри хорижий инвестициялар миқдори 18,2 млрд долларни ташкил қилиб, мамлакатни дунёдаги тўғридан -тўғри хорижий инвестициялар кириб келган 20- мамлакатга айлантди. Туркия ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатлар қаторида 9-ўринни эгаллайди.<sup>14</sup> Туркия Давлат министри Зафер Чалаяннинг маълум қилишича, мамлакат 2003

<sup>13</sup> Уша жойда

<sup>14</sup> [www.infoturk-biz.com](http://www.infoturk-biz.com)

йилдан то 2009 йилга қадар 75 млрд доллардан ортиқ маблағни хорижий инвестиция шаклида қабул қилган, ҳамда ўзининг сиёсий ва иқтисодий барқарорлиги туфайли бу борада катта муваффақиятларга эришган. Хорижий инвестицияни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш Агентлиги президенти Алпаслан Коркмазнинг таъкидлашича, 2011 йилда Туркияга кириб келиши кутилаётган тўғридан-тўғри инвестициялари ҳажми 7-10 млрд долларга етиши кутилмоқда.<sup>15</sup> Жаҳон молиявий иқтисодий инқироzi шароитига қарамай сўнги 2 йил ичида бундай инвестицияларнинг ҳажми бир мунча қискарди, бироқ иқтисодий ноаниқлик шароитларига қарамай мамлакат 2009 йилда 7,6 млрд доллар тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиб улгурди.<sup>16</sup> БМТнинг Савдо ва Ривожланиш бўйича Конференциясидаги “Жаҳон инвестициялари ҳисоботи 2010” да Туркия 2009 йилда катта миқдорда тўғридан-тўғри инвестициялар қабул қилган мамлакатлар рўйхатида 32-ўринни эгаллади. Халқаро Инвесторлар Ассоциацияси томонидан нашр қилинган ҳисоботга мувофиқ, энг катта миқдорда тўғридан-тўғри инвестициялар қабул қилган мамлакатлар 5 талигини АҚШ, Хитой, Франция, Гонконг ва Буюк Британия мамлакатлари эгаллади. 2009 йил маълумотларига асосан, юқорида таъкидланган рейтингда Туркия 12 позицияни қўлдан бой берди. Бироқ Туркия Ғазначилиги 2010 йилнинг май ойида умумий қиймати 3 млрд 722,4 млн ТЛ миқдоридаги 348 та инвестицион лойиҳалар учун “қўллаб-қувватлаш сертификатлари”ни ишлаб чиқди. Ушбу сертификатлар “Расмий газета”да эълон қилинган бўлиб, уларнинг 10950 та янги иш ўринларини яратиши режалаштирилган.<sup>17</sup> Шунингдек Туркия президенти Абдулла Гулнинг Хиндистонга ташифи чоғида имзоланган қатор келишувларга асосан 2010 йилдан эътиборан Туркияга Хиндистон 150 млн доллар миқдоридаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келиши режалаштирилган.

---


<sup>15</sup> Уша ерда

<sup>16</sup> Уша ерда

<sup>17</sup> [www.infoturk-biz.com](http://www.infoturk-biz.com) В 2009 г. Турция привлекла 7,6 млрд. долл. США прямых иностранных инвестиций

## 2.4-расм

### Туркия иқтисодиётига киритилган инвестициялар динамикаси, млн доллар



Хинд компаниялари Туркияда кemasозлик, энергетика соҳаларида фаолият кўрсатишни, шунингдек «Oberoi» хинд Группаси томонидан Истамбулда премиум класс меҳмонхоналарини яратиш соҳасини ривожлантиришни, ҳамда юқорида таъкидланга миқдордаги инвестициялар 200 кишилиқ иш ўринларини яратишини кўзда тутган.<sup>18</sup>

## 2.5-жадвал

### Туркиянинг бошқа мамлакатларга киритган инвестициялари (млн. \$)

|           |        |
|-----------|--------|
| 2000      | 1 029  |
| 2001      | 604    |
| 2002      | 283    |
| 2003      | 505    |
| 2004      | 815    |
| 2005      | 1 065  |
| 2006      | 1 667  |
| 2007      | 2 275  |
| 2008      | 2 604  |
| 2003-2008 | 8 922  |
| 1991-2008 | 12 635 |

Манба: Туркия марказий банки

Муҳим хорижий инвесторлар деб ҳисобланувчи турк компаниялари яқинда бир нечта йирик лойиҳаларни тугатиб, Godiva, Razi, Trader Media East

<sup>18</sup> [www.infoturk-biz.com](http://www.infoturk-biz.com) Турция получит 150 млн. долл. США в качестве прямых иностранных инвестиций из Индии

and Grundig каби жаҳон брендларини сотиб олишга мувафак бўлдилар. Бундан ташқари 2008 йил якунларига кўра, турк контрагентлари яқиндан бошлаб умумий қиймати 135 млрд долларлик лойиғалар устида иш бошладилар. Ўз навбатида 23 та турк қурилиш фирмалари дунёдаги 225 та йирик қурилиш фирмаларининг рейтинги қаторидан ўрин олган .<sup>19</sup>

Турк компаниялари Шарқий Европанинг банк сектори, маиший техника ишлаб чиқариш ва телекоммуникация соҳларига, Евросиёнинг энергетика, туризм, молия ва логистика тармоқларига, Форс кўрфазининг ишлаб чиқариш, кимё ишлаб чиқариш, ва логистика тармоқларига, Яқин Шарқнинг текстил саноати ва асбобсозлик тармоқларига инвестиция киритади.

Сўнгги 6 йил ичида хусусийлаштириш бўйича йирик лойиҳаларнинг амалга оширилиши ва мамлакатнинг халқаро бозорлардаги барқарор мавқеъининг сақлаб турилиши натижасида Туркия катта миқдордаги хорижий инвестицияларни ўзига жалб қилди. Туркия Жаҳон Банкнинг Бизнесни Содаллаштириш бўйича рейтингида 181та мамлакат ичидан 59-ўринни, Форбснинг ишбилармонлик фаоллиги Индекси бўйича 121 мамлакатдан 41-ўринни, UNCTAD нинг 2008-2010 йиллар учун халқаро инвестициялар бўйича таҳлилида тўғридан -тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш хусусиятларининг мавжудлиги бўйича 15-ўринни эгаллади. Иқтисодий тараққиёти бўйича дунёда 15-ўринни, Европада эса 6-ўринни эгаллаб турган Туркия сўнгги 3 йил ичида умумий қиймати 50 млрд доллар бўлган йирик инвестицион лойиҳаларнинг мақсади бўлиб қолди.<sup>20</sup>

---

<sup>19</sup> [www.infoturk-biz.com](http://www.infoturk-biz.com)

<sup>20</sup> [www.infoturk-biz.com](http://www.infoturk-biz.com) Приток инвестиций в Турцию увеличится в 2011 г.

## ХУЛОСА

Туркия Республикасининг глобал инқироз ва ундан кейинги даврда макроиқтисодий ривожланиш хусусиятларига бағишланганг битирув малакавий иши натижаларини умумлаштириш қуйидаги хулосаларга келиш имконини берди:

1. Макроиқтисодий барқарорликка эришиш иқтисодий ўсишнинг, иқтисодий инқирозни бартараф этишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Одатда макроиқтисодий барқарорлик деганда иқтисодий инқирозга барҳам бериш, иқтисодий тараққиётни ифодаловчи кўрсаткичларни муайян даражада сақлаб туриш ва иқтисодиётни соғломлаштириш тушунилади.

2. Иқтисодий адабиётларда макроиқтисодий барқарорликка эришиш бўйича икки хил назарий ёндашув шаклланган: янги классик ва кейнсча. Янги классиклар бозор иқтисодиётининг ўзи макроиқтисодий барқарорликни таъминлайди ва унга давлатнинг аралашуви шарт эмас, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, меҳнат бозори, нарх ва жами харажатларнинг давлат томонидан тартибга солиниши макроиқтисодий барқарорликка зарар етказди. Кейнсчилар эса макроиқтисодий барқарорликка фақат бозор механизми орқали эришиш мумкинлигини рад этадилар. Кейнсчилар макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш учун ички нархларни муайян чегарада ушлаб туриш, миллий валюта қадрини мустаҳкамлашга қаратилган пул-кредит ва молия сиёсати тадбирларини амалга ошириш, ишлаб чиқаришни ўстириш ва бандликни таъминлаш учун қулай макроиқтисодий муҳитни барпо этиш лозим деб ҳисоблайдилар.

3. Жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий ва бошқа барча муаммоларни ҳал қилишнинг асосий йўли – бу миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва иқтисодий ўсишига эришишдир. Аҳоли фаровонлигининг ошиб бориши ҳам пировард натижада иқтисодий ўсиш даражаси ва суръатларига боғлиқ.

4. Иқтисодий ўсиш бевосита ялпи ички маҳсулот ҳажмининг мутлақ ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисодий ресурс харажатлари ҳар бир бирлиги ҳисобига ўсиши, сифатининг яхшиланиши ва таркибининг такомиллашувида ифодаланади. Иқтисодий ўсишни ЯИМ мутлақ ҳажмининг ортиши орқали ёки аҳоли жон бошига реал ЯИМ миқдорининг ортиши орқали ўлчаш бунинг қандай мақсадда амалга оширилаётганига боғлиқ бўлади. Одатда бирон-бир мамлакат иқтисодий ўсишини ЯИМ мутлақ ҳажмининг ортиши орқали ўлчаш унинг иқтисодий салоҳиятини баҳолашда, аҳоли жон бошига реал ЯИМ миқдорининг ортиши орқали ўлчаш эса мамлакатдаги турмуш даражасини таққослашда қўлланилади.

5. Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли иқтисодий ислохотлар натижасида 1996 йилдан бошлаб олдинги йилга нисбатан, 2001 йилдан бошлаб эса 1991 йилдаги даражага нисбатан ЯИМ ҳажмининг барқарор равишда ўсишига эришилди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида юзага келган муаммо ва қийинчиликларга қарамай, 2008 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қўшимча ўсиш суръатлари 9 фоизни, 2009 йилда 8,1 фоизни, 2010 йилда 8,5 фоизни, 2011 йилда эса 8,3 фоизни ташкил этди.

6. Харид имкониятлари мутаносиблигини ҳисобга олган ҳолда санаганда, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотнинг 2011 йилда 2000 йилга нисбатан ўсиши 3 қаррани ташкил қилди. Иқтисодиётимизда 2011 йили юқори ўсиш суръатлари таъминланиб, аҳолининг реал даромадлари 123,1 фоизга ошди, ўтган йилда инфляция даражаси 2010 йилдаги 7,4 фоиз ўрнига 7,3 фоизни ташкил қилди. Бу авваламбор қатъий, шу билан бирга, пухта ўйланган пул-кредит сиёсати ва инқирозга қарши кўрилган самарали чора-тадбирларимизнинг натижасидир.

7. Мамлакатимиз ЯИМ ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлашда иқтисодиётдаги етакчи тармоқларнинг юқори ўсиш суръатлари мустаҳкам замин тайёрламоқда. Жумладан, 2011 йилда саноат ишлаб чиқариши 6,3 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,6 фоиз,

чакана савдо айланмаси 16,4 фоиз ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш 16,1 фоизга барқарор юқори суръатлар билан ўсди.

8. Кейинги йилларда иқтисодиётимизда юз бераётган жиддий таркибий ва сифат ўзгаришлари иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим ўринга эга бўлмоқда. Агар 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда саноат ишлаб чиқаришининг улуши бор-йўғи 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 24,1 фоизга етганлиги фикримиз далилидир.

9. Мамлакатимизда ўтган даврларда саноатни ривожлантиришнинг асосий омиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- мақсадли дастурларни амалга ошириш;
- инфратузилмани шакллантириш (сув, газ, электр энергияси, транспорт ва бошқалар);
- енгил саноат соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;
- чарм хом ашёсини қайта ишлаш соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва бозорни маҳаллий маҳсулотлар билан таъминлаш;
- халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш ва улар билан бозорни тўла таъминлаш;
- қурилиш материаллари индустриясини ривожлантириш;
- саноатни ривожлантиришда банк кредитлари таъсирчанлигини ошириш;
- саноатни ривожлантиришда қўшма корхоналарнинг улушини ошириш;
- маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш;

- маҳаллийлаштириш дастури ва халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси доирасида яратилган имтиёз ва преференциялардан кенг фойдаланиш;

- ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорти кўламини кенгайтириш, кичик корхоналар маҳсулотларини экспортга йўналтиришга кўмаклашиш.

10. 2011йилда экспорт маҳсулотлари ҳажми 2010йилга нисбатан қарийб 15,4 фоизга кўпайди ва 15 миллиард доллардан кўпроқни ташкил этди. Бу 2000йилга нисбатан 4,6 баробар зиёддир. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 4 миллиард 500 миллион доллардан ошди.

11. Туркия сўнгги йилларда юқори ўсиш суръатларини намоён қилиб келаётган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2000-2011 йиллар давомида Туркия ялпи ички маҳсулоти 266,6 млрд. доллардан 772 млрд. долларгача, яъни 2,9 мартага ўсди. Айти вақтда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажми эса 2,7 мартга кўпайди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг таъсирига қарамасдан сўнгги 9 йил давомида Туркияда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўртача ўсиш суръати 5,2 фоизни ташкил этди.

12. Туркия иқтисодиётининг юқори суръатларда ривожланиши, энг аввало, мамлакатда қулай инвестиция муҳитининг шакллантирилганлиги туфайли бевосита хорижий инвестициялар оқимининг йил сайин ўсиб бориши билан изоҳланади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2002-2011 йиллар давомида Туркия иқтисодиётига 110 млрд. долларлик бевосита хорижий инвестициялар жалб этилган. Туркия инвестиция жозибадорлиги бўйича жаҳоннинг 13-мамлакати ҳисобланади.

13. Сўнгги йилларда Туркия юқори ўсиш суръатларини таъминлаш билан бирга бюджет харажатларидан ҳам оқилона фойдаланмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, 2011 йилда Туркия Республикасининг давлат қарзи ялпи ички маҳсулотнинг 39,4 фоизини ташкил этди. Ваҳоланки, 2002 йилда бу кўрсаткич ялпи ички маҳсулотнинг 74 фоизини ташкил этар эди. Кўриниб

турибдики, бу кўрсаткич Маастрихт шартномасида кўзда тутилган мезонларга тўла мувофиқ келади (Маастрихт шартномасига кўра давлатнинг ташқи қарзи мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 60 фоизидан ошиб кетмаслиги керак). Умуман олганда 2004 йилдан бошлаб Туркия бу мезонларини тўлиқ бажариб келмоқда.

14. Худди шундай давлат бюджет тақчиллиги ҳам 2002 йилда 10 фоиздан 2011 йилда 3 фоизгача пасайди. Бу ҳам Маастрихт талабларига тўла мувофиқ келади.

Туркия иқтисодиётида юз бераётган ижобий ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2005-2011 йиллар давомида Туркиянинг экспорт ҳажми 73,5 млрд. доллардан 135 млрд долларгача ўсди.

15. Туркия Республикасининг жаҳон-молиявий инқирози шароитида бу каби тушқунликка тушишига қуйидаги омиллар сабаб бўлган:

- Туркия иқтисодиётининг хизмат кўрсатиш соҳасига, хусусан туризм ва меҳмохона бизнесига йўналтирилганлиги. Туристлар оқимининг қисқариши даромадларнинг қисқаришига, шунингдек бу шароитда меҳнат бозоридаги салбий ўзгаришлар ушбу секторда банд бўлганларнинг ишларидан айрилишига олиб келди.

- Туркия иқтисодиётининг жаҳон молиявий инқирози шароитида жиддий талофат кўрган саноат секторларига, масалан автомобилсозлик саноатига йўналтирилганлиги.

- Мамлакатнинг ташқи савдо фаолиятида Россия ва Германия каби инқироз шароитида жиддий талофот кўрган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилганлиги.

- Айнан Россия ва Германия кади асосий савдо ҳамкорлари ҳисобланмиш мамлакатларга инқирознинг жиддий таъсир кўрсатиши

натижасида бу мамлакатлардаги турк ишчиларининг сони ва уларнинг мамлакатларига юборадиган пул маблағларининг қисқариши;

- Мамлакатдаги баланслашмаган демографик вазият ва иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси.

16. Мутахассислар фикрича, Туркиянинг глобал инқироз таъсиридан тез суръатларда халос бўлиши қуйидаги омиллар билан изоҳланади:

- бюджет интизомига қатъий амал қилинганлиги ва чекланган бюджет-молия сиёсатининг амалга оширилиши;

- мамлакатда комплекс ва кенг кўламдаги таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилганлиги;

- таркибий ўзгаришларда хусусий сектор мавқеини оширишга алоҳида эътибор қаратилганлиги;

- молиявий сектор самарадорлигининг оширилганлиги;

- ижтимоий таъминот тизимида қатъий ва изчил сиёсат олиб борилганлиги ва ҳоказо.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари**

1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т: Ўзбекистон, 2011. - 40 б.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари: II-китоб. - Т.:”Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 1999. - 140-153-бетлар.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари: II-китоб. - Т.:”Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 1999. - 154-160-бетлар.

1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлар фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. - Т.:Ўзбекистон, 2002. - 46-72-бетлар.

1.5. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни. “Халқ сўзи” газетаси, 2000 йил 13 июнь.

1.6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2009 йил 9 апрель.

1.7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида алоҳида божхона режими ҳамда алоҳида солиқ режимини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомларни

тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори. 2009 йил 23 апрель.

## **2. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари**

2.1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. - Т.: “Ўзбекистон”, 1992. – 74 б.

2.2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1993. - 66 б.

2.3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари - Т.: “Ўзбекистон”, 1995. - 74 б.

2.4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995. - 269 б.

2.5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997. - 326 б.

2.6. Каримов И.А. Мулкдорлар синфни шакллантириш - ислохотларнинг бош мезони. //Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. - Т.: “Ўзбекистон”, 1997. 5-том. -332-339 б.

2.7. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. - 48 б.

2.8. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2005. – 96 б.

2.9. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. /И.А. Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

2.10. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. /И.А.Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

2.11. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанамиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат

қилади. /И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2011. – 48 б.

2.12. Каримов И.А. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги бошқичга кўтарадиган йил бўлади //2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. - “Халқ сўзи”, 2012, 20 январь.

### **3. Китоблар ва монографиялар**

3.1. Ульченко Ю.А., Мамедова Н.М. Особенности экономического развития современных мусульманских государств (на примере Турции и Ирана). – М., 2006

3.2. Драчева Е.Л., Яворская А.О., Христов Т.Т. Страноведение – Испания, Кипр, Турция, Египет. – М., 2007

3.3. Гладкий Ю.Н. Общая экономическая и социальная география зарубежных стран. – М., 2006

3.4. Бунятов З.Н. Актуальные проблемы современной Турции М.1998

3.5. Маматказин А.Мухторов А Экономика Турции: история и современность Т.1993

3.6. Шодиев Т.Ш. Рыночная экономика Турции Т., 1993

3.7. Холматов А.Х. Турция: Государство и рыночные отношения М, 1992

3.8. Turkey – 2002, Nuroi Matbaacilik ve Ambalaj San. 2003

3.9. Turkiye ekonomisi. (Tarihsel gelisme – bugunki durumu), Istanbul Universitesi. 1996.

3.10. Мировая экономика: учебник /под. ред. Б.М. Смитиенко. - М.: Высшее образование, Юрайт - Издат, 2009.- 581 с.

3.11. Кудров В.М. Мировая экономика: учебник. / В.М. Кудров.- М.: Юстицинформ, 2009.- 512 с.

3.12. Ломакин. В.К. Мировая экономика: учебник. - М.: ЮНИСТИ-ДАНА, 2008. - 671с.

3.13. Мировая экономика: прогноз до 2020 года /под ред. акад. А.А. Дынкина /ИЗЭМОРАН. - М.: Магистр, 2008. - 429 с.

3.14.Мировая экономика и международные экономические отношения: учебник. /под ред. проф А.С. Булатова, проф. Н.Н. Ливенцева.- М.: Магистр, 2008.- 654 с.

3.15. Гоголева Т.Н. Международная экономика: учебное пособие.- М.: КНОРУС, 2008.- 304 с.

3.16. Ломакин В.К. Мировая экономика. Практикум: учеб. пособ. - М.: ЮНИТИ - ДАНА, 2007. - 223 с.

3.17. Страны и регионы мира: экономико-политический справочник/под ред. А. С. Булатова. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006

3.18. Экономическая, социальная и политическая география мира. Регионы и страны. Учебник /под ред. С.Б. Лаврова, Н.В. Каледина. – М., 2002

3.19. Алисов Н.В. Экономическая и социальная география мира. – М., 2001

3.20. Международная экономическая интеграция. /Под. ред. д-ра. экон. наук, проф. Н.Н. Ливенцева. М.: Экономистъ, 2006. – 430 с.

3.21. Мировая торговля: статистическо-энциклопедический словарь. И.Н.Устинов – М.: ЗАО Издательство «Экономика», 2011. – 528 с.

3.22. Мировая экономика и международные экономические отношения: учебник /под ред. проф. А.С. Булатова, проф. Н.Н. Ливенцева - М.: Магистр, 2008. – 654 с.

3.23. Назарбаев, Н.А. Критическое десятилетие. – Алматы: Атамұра, 2003. – 301 с.

3.24. Портер М. Конкурентное преимущество: Как достичь высокого результата и обеспечить его устойчивость. /Пер. с англ. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2005. – 715 с.

3.25. Портер М., Такеути Х., Сакакибара М. Японская экономическая модель: Может ли Япония конкурировать?. /Пер. с англ. - М.: Альпина Бизнес Букс, 2005. – 262 с.

3.26. Родионова И.А. Мировая экономика. – СПб.: Питер, 2005. – 496с.

3.27. Сиражиддинов Н. Проблемы повышения эффективности внешней торговли Узбекистана: теоретико-методологические аспекты. Монография. Ташкент – 2004. – 224 с.

3.28. Суэтин А.А. Мировая экономика. Международные экономические отношения. Глобалистика: учебник. - М.: КНОРУС, 2008. - 320 с

3.29. Фатхутдинов Р.А. Конкурентоспособность: Россия и мир. 1992-2015. /Р.А. Фатхутдинов. – М.: ЗАО «Издательство «Экономика», 2005. – 606с.

3.30. Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт. /Муаллифлар жамоаси: Р.О. Алимов, А.Ф. Расулев, А.М. Қодиров ва бошқалар. //С.С. Ғуломов таҳрири остида. – Тошкент: Konsauditinform-Nashr, 2006. – 440 б.

#### **4. Хорижий тиллардаги адабиётлар**

4.1. Gerschenkron A. Continuity in History and other Essays. Cambridge (Mass.): The Belknap Press of Harvard University Press, 1968.

4.2. Kuznets S. Modern Economic Growth: Rate, Structure, and Spread. New Heaven - London: Yale University Press, 1966.;

4.3. Anne O. Krueger. Trade Policy and Economic Development: How We Learn. – National Bureau of Economic Research, Working Paper 5896, January 1997, pp. 7-9.

4.4. Audretsch, David B. Industrial Organization and The New Industrial Policy. London, Centre for Economic Policy Research, (Discussion Paper Series), October 1998, - 51 p.

4.5. Bertil Ohlin. Interregional and International Trade. - Cambridge: Harvard University Press, 1933.

4.6. Bhagwati, Jaddish N. and Srinivasan, T.N. A General Equilibrium Theory of Effective protection and Resource Allocation. – Journal of International Economics, Vol. 3, pp. 259-28.

4.7. Bruno and Chenery or Chenery and Bruno. Development Alternatives in an Open Economy: The Case of Israel. – Economic Journal, 1962, March, N285; Vol. 72, pp. 79-103.

4.8. Chenery, Hollis B. and Strout, Alan. Foreign Assistance and Economic Development. – American Economic Review, 1966, September, Vol. 56, pp. 679-733.

4.9. Stiglitz, Jozef T. Towards a New Paradigm for Development: Strategies, Policies and Process. – Prebish Lecture at UNCTAD, 1988, Geneva, October 19.

4.10. Samuelson Paul. International Trade and the Equalization of Factor Prices. – Economic Journal, N 58, 1948. – pp. 163-184.

## **5. Статистик тўпламлар ва маълумотномалар**

5.1. Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил статистик ахборотномаси. Т.: 2006. – 97 б.

5.2. Ўзбекистон иқтисодиёти: Ахборот ва таҳлилий шарҳ 2007 йил. Т.: 2008. – 128 б.

5.3. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил статистик ахборотномаси. Т.: 2008. – 102 б.

5.4. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил статистик ахборотномаси. Т.: 2008. – 145 б.

5.5. Йиллик статистик тўплам 2008. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Т.: 2009. – 386 б.

5.6. Статистическое обозрение Узбекистана за 2009 год. Т.: 2010. – 87с.

5.7. Экономка Узбекистана: информационно-аналитический бюллетень. Т.: 2010. – 70с.

5.8. Статистическое обозрение Узбекистана за 2011 год. Т.: 2012. – 97 с.

5.9. UNCTAD. World Investment Report 2012

5.10. World Metal Statistics, 2012

## **6. Интернет манбалари**

6.1. [www.iimes.ru](http://www.iimes.ru)

6.2. [www.worldbank.org](http://www.worldbank.org)

6.3. [www.orientalia.ru](http://www.orientalia.ru)

6.4 [www.world-tourism.org](http://www.world-tourism.org)

6.5.[www.worldbank.org](http://www.worldbank.org)

6.6.[www.imf.org](http://www.imf.org)

6.7.[www.wto.org](http://www.wto.org)

6.8. [www.opec.org](http://www.opec.org)

6.9. [www.imemo.ru](http://www.imemo.ru)

6.10. [www.statistics.uz](http://www.statistics.uz)

6.11.[www.hotturkey.ru](http://www.hotturkey.ru)

6.12. [www.turkey-info.ru](http://www.turkey-info.ru)

5.13. [www.tcmb.gov.tr](http://www.tcmb.gov.tr)

- 6.14. [www.antalya.ru](http://www.antalya.ru)
- 6.15. [www.turkey.ru](http://www.turkey.ru)
- 6.16. [www.go-turkey.ru](http://www.go-turkey.ru)
- 6.17. [www.contactvk.ru](http://www.contactvk.ru)
- 6.18. [www.avatour.ru](http://www.avatour.ru)
- 6.19. [www.anatolia.com](http://www.anatolia.com)
- 6.20. [www.turkses.com](http://www.turkses.com)
- 6.21. [www.cia.gov](http://www.cia.gov)